



ABOUT THE HISTORY OF THE BALTICIANS OF UZBEKISTAN

Ravshan Khomitov

Associate Professor, PhD

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: polyethnic, interethnic harmony, ethnic, nation, diaspora, statistics, immigration, migration, national policy, demography.

Received: 15.12.24

Accepted: 17.12.24

Published: 19.12.24

Abstract: In this article, migration, location, occupation and life of the Baltic peoples to Uzbekistan are researched based on specific sources.

It shows the reasons for the migration of the Baltics to the country and the influence of the national policy carried out by Soviet Russia.

It is based on the fact that the policy of inter-ethnic harmony carried out in the country during the years of independence made positive changes in the life of the Baltic people.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОЛТИҚБЎЙИЛИКЛАР ТАРИХИ ҲАҚИДА

Ravshan Xomitov

Доцент, PhD

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: полиэтниқ, миллатлараро тотувлик, этник, миллат, диаспора, статистика, кўчиб келиш, миграция, миллий сиёсат, демография.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонга болтиқбўйи халқларининг кўчиб келиши, жойлашуви, машғулотлари ҳамда ҳаёти аниқ манбалар асосида тадқиқ қилинган.

Унда болтиқбўйиликларнинг ўлкага кўчиб келиш сабаблари ҳамда совет Россияси томонидан олиб борилган миллий сиёсатининг таъсири кўрсатиб берилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатда олиб борилган миллатлараро тотувлик борасидаги сиёсатнинг болтиқбўйиликлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилгани асосланган.

ОБ ИСТОРИИ ПРИБАЛТСКИХ НАРОДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Равшан Хомитов**Доцент, PhD**Национального университета Узбекистана**Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: полиэтничность, межнациональное согласие, этнический, нация, диаспора, статистика, миграция, миграция, национальная политика, демография.

Аннотация: В данной статье на основе конкретных источников исследуются миграция, расселение, занятие и быт балтийских народов в Узбекистане.

Показаны причины миграции прибалтов в страну и влияние национальной политики, проводимой Советской Россией.

Оно основано на том, что политика межэтнического согласия, проводимая в стране в годы независимости, внесла положительные изменения в жизнь балтийских народов.

Кириш:

Маълумки, Ўзбекистон полиэтлик давлатлар таркибида бўлиб, бу жараённинг шаклланиши узок тарихга бориб тақалади.

Жумладан, Ўзбекистондаги бошқа диаспоралар қаторида Болтиқбўйи халқларининг диаспораси ҳам мавжуд бўлиб, у тарихий йиллар давомида шаклланган ҳисобланади.

Бинобарин, ўзбеклар ва болтиқбўйиликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тарихнинг ўрта асрларидан бошлангани манбалардан маълум. Хусусан, шу даврларда Ўрта Осиёда мавжуд давлатлар ўз ташқи сиёсатларида шимолда яшаган болтиқбўйиликлар билан ҳамкор бўлишга интиланганлар. Дастлаб, улардаги ҳамкорликнинг алоҳида хусусиятида асосан савдо-сотиқ мақсадлари кўзланган. Чунки, шимолда жойлашган халқлар тайёрлаган маҳсулотларга Ўрта Осиё бозорларида талаб катта бўлган. Ўз навбатида, бу ҳудудда етиштирилган маҳсулотлар болтиқбўйилик халқларга етказиб берилган. Савдо мақсадларидаги ҳаракатлар натижасида ўзаро маданиятлар ҳурмат қилиниб, бир-бирини бойитиш шаклида намоён бўлиб борган.

Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ҳамда Хива ва Қўқон хонлиқларининг аҳолиси билан болтиқбўйилик халқларнинг XIX асрнинг 60– йилларига келиб муносабатлари дастлаб Россия империяси мустамлакасига айлангани, сўнгра 1918 йилдан совиқ совет Россиясининг таъсирига тушиб қолиши натижасида Россия империяси амалдорларининг тавсиясига кўра амалга оширилган. Бу борада тадқиқотчи М.Любавский ўз ишида болтиқбўйиликлар X – XI асрларда славянлар билан қўшни бўлиб яшагани,

1558 йилларда Россия давлатининг Болтиқ денгизи бўйида жанглар олиб борилганлигини баён қилган [1]. Унда XVIII аср бошларида Болтиқ бўйи минтақасида бўлган Лифляндия, Эстландия ва Курляндия худудлари Россия империяси ҳуқумдорларининг ҳарбий ҳаракатлари натижасида империя таъсирига олингани ҳақида таъкидланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Ўрта Осиёда мавжуд давлатларни ўзининг мустамлакасига айлантиргани тарихдан маълум. Сўнгра мустамлакачи империя вакиллари ўзларининг мақсадлари йўлида халқларнинг моддий ва маънавий имкониятларидан фойдаланишни кўзлаб, халқлар ўртасида бир ёқлама миллий сиёсатини олиб борди. XX аср бошларида Россияда бўлиб ўтган давлат тўғрисидаги натижасида собиқ совет Россияси ташкил топди. Унинг сиёсий доира вакиллари ҳам миллатлар масаласидаги миллий сиёсатни ўзининг манфаатлари йўналишларига мос равишда олиб боришни давом эттирган. Яъни, миллий сиёсатидаги мақсадлари мустамлака худудлардаги халқларни ўзларининг тарихий ватанидан бошқа худудларга кўчириш сиёсатини олиб борганида намоён бўлган.

Кўп ҳолларда ҳозирги Ўзбекистон худудига ўтган асрларда болтиқ бўйиликлар рус мустамлакачилари томонидан мажбурий равишда кўчириб келтирилган халқлардан ҳисобланади.

Ўзбекистондаги Болтиқ бўйи халқларининг кўчирилиши ва диаспораси тарихини воқеаларга асослашиб қуйидагича асосий босқичларга бўлиб ўрганиш мақсад мувофиқ:

Биринчи босқич, Россия империяси даврида болтиқ бўйиликларнинг Туркистон ўлкасига, Бухоро ва Хоразм ерларига кўчириб келтирилиши 1860 – 1918 йилларни ўз ичига олади. Унда, дастлаб кўчириб келтирилган болтиқ бўйиликларнинг асосий қисми ҳарбийлар бўлиб, навбатдаги босқичларда эса аҳолининг барча табақалари олиб келинган. Улар Россия империяси армиясида ҳарбий хизматчи, таълим, фан, соғлиқни сақлаш соҳаси ҳамда иқтисодиёт ва қурилиш ишларига жалб қилинганлар. Бу даврда Болтиқ бўйи халқларининг кўпчилиги Туркистон ўлкасига, қисман Бухоро ва Хоразмнинг Россия империясига қарам бўлган худудларига кўчирилган. Уларнинг дастлаб кўчириб келтирилганлари 1874 – 1876 йилларда Авлиёота уездидаги биринчи рус қишлоқлари Қораболта, Чолдевор худуди ҳамда шаҳар атрофида янги бунёд этилган рус посёлкаларига жойлаштирилган [2]. Навбатдаги қисми 1903 – 1913 йиллар мобайнида Туркистон ўлкасининг ўзида ташкил топган 116 та рус посёлкасига жойлаштирилган [3]. Бу халқларнинг маълум қисми Черняев посёлкасига ҳам жойлашган бўлиб, у 1867 йилда ҳозирги Тошкент вилоятида барпо этилган эди.

Россия империясининг амалдорлари бу сиёсатидан кўзлаган асосий мақсади ўзлари

учун Туркистон, Бухоро, Хоразм хуудларида таянч куриш бўлган. Чунки ўлкани доимий назоратда тутиб туриш учун рус ва бошқа миллат вакилларига мансуб аҳолини халк орасига аралаштириб юбориш зарур эди. Шу мақсадда улар турли миллат вакиллари учун ўлкалардан кўчириб келтириб, уларга яшаш учун шароитлар яратиш беришган.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши Россия империяси латвия, литвалик ҳарбийларидан ҳам мажбурий равишда фойдалангани ҳужжатларда таъкидланган. Масалан, биргина 1917 йилда ўлкадаги ижтимоий ҳаракатларга қарши курашиш учун келган ҳарбий латвияликоилалардан бири Волдемарас Шляуласни ҳамда Турк Республикаси Мудофаа бўлими хизматчиси эстониялик Эльвина Кизовская ва бошқаларни эслаш мумкин [4]. Бу каби ҳарбий хизматчилар ўз вазифасини бажарсаларда, ўзбекларнинг муросага келиш, дўстлашиш кабиллий менталитетидаги алоҳида хусусиятлари натижасида болтиқбўйиликлар билан дўстлик йўли танланган.

Болтиқбўйи халқларининг ўлкада жойлашуви, уларнинг машғулоти, турмуши ва оилавий муносабатлари ҳақида тўлиқ маълумотларни аниқлаштириш дастлабки даврда бирмунча мураккаб ҳисобланади. Бирок, уларнинг Туркистон ўлкасида жойлашуви ҳақидаги маълумот 1897 йил кузида ўтказилган биринчи умумий аҳоли рўйхатида берилади.

Шундан маълумки, 1897 йил аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, ўлкада яшовчи латвия, литва, эстонияликлар Туркистон аҳолиси таркибида камчиликни, яъни умумий аҳолидан 287 кишини, хусусан, эркеклар –168, аёллар –119 нафарлиги аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларида қайд қилинади.

Бу вақтларда болтиқбўйиликларнинг ўлка ерларига кўчиб келишининг камсонлиги уларнинг кўпчилиги католик динига эътиқод қилишидадир. Чунки, ҳукумрон доира вакиллари ўлкада 1883 йил янги қоида жорий қилган эди. Унга кўра Туркистонга асосан руслар ва православ динига мансублар кўчиб келиши, уларнинг ер муносабатларига оид қоидалар белгилаб берилган эди [5].

Бирок халқларни кўчириш сиёсати Россия империяси даврида изчил давом эттирилди. Шу йилларда болтиқбўйиликларнинг мамлакат хуудлари бўйлаб кўчиб жойлашувини тўрт даврга ажратиш мумкин:

биринчи давр: 1860 йилдан Қрим ва Самара, Ўрта Осиё хуудига;

иккинчи давр: 1870 йилдан Кавказ, Ставрополь, Кубан губерниялари, Россиянинг марказига, Сибирь ва Ўрта Осиё хуудларига;

учинчи давр: 1884 – 1886 йилларда Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Сибирь, Тверь ва Ўрта Осиё хуудларига;

тўртинчи давр: 1900 – 1917 йилларда Сибирь, Томск, Тобольск, Туркистон худудларига кўчирилган.

Юқоридаги ҳар бир даврда халқларнинг кўчирилишига оид алоҳида воқеалар мавжуд бўлиб, масалан, Биринчи Жаҳон урушининг бошланиши натижасида, яъни 1914 йил сентябрдан 1915 йил июнь ойигача Ўрта Осиё худудига тўрт мингдан ортиқ латвия, литва, эстонияликлар кўчириб келтирилган, уларнинг аксарияти Туркистон худудига жойлаштирилган. 1916 йилнинг апрель ойи охирларидан уларнинг маълум қисми Ўрта Осиёдан ташқарига олиб кетилгани [6] ҳақидаги маълумотлар манбаларда сақланмоқда.

Бу вақтларда Туркистон ва Бухоро, Хоразм худудларига кўчирилган болтиқбўйликларнинг ҳаёти оғир кечиб, бир қатор турмуш муаммолари мавжуд бўлган. Жумладан, халқларнинг диний эътиқод масалаларига алоҳида эътибор берилмаган. Улар Туркистон Рим - католик хайрия жамияти ишларида қатнашишига тўғри келган [7]. Бу билан диний маросимларини бир эътиқодда бўлмасида, бошқа халқлар билан бирга амалга оширишга мажбур бўлишган.

Биргина Тошкент худуди бўйлаб яшаган халқларнинг диний қарашларига оид маълумотларга кўра: 16 нафар латиш эркак, 5 нафар аёл рим-католикка; 10 нафар эркак, 1 нафар аёл лютеран эътиқодига, реформаторларнинг 2 нафари эркак, 5 нафари латиш аёли бўлган. Литваликлардан рим-католикка 14 нафар эркак, 3 нафар аёл мансуб бўлган. Шу миллатнинг лютеран эътиқодида 10 нафар эркак, 1 нафар аёли, реформаторларнинг 2 нафар эркаги ва 2 нафар аёли эътиқод қилгани маълум қилинган.

Агар тадқиқотларни давом эттирадиган бўлсак, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган латвия, литва, эстонияликларнинг турмуши ва меҳнат фаолияти халқларнинг диаспораси учун муҳим ҳисобланади. Хусусан, литвалик Чертов Козимир Александрович 1915 йилда Хивада сув масаласи бўйича масъул бўлган, 1923 йилдан бошлаб эса Амударё уезди худудидаги Тўрткўл вилояти Сув хўжалиги бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаган. Унинг ўлка сув хўжалигига оид “Қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари” номли монографияси чоп этилган. К.А.Чертовнинг 1924 йилда советлар қурилтойига Амударё вилоятидан делегат бўлиб қатнашгани, унинг ўлка сиёсий ҳаётида фаол бўлганлигини кўрсатади [8].

Шуниндек, Зедин Карл 1898 йили Латвияда туғилган бўлиб, 1918 йили Туркистон ўлкасига иш юзасидан олиб келинган ва шу ерда муқим яшаб қолган [9]. У меҳнат фаолиятини Амударё уезди сув хўжалигида олиб борган. Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол қатнашган. Чунки З.Карл 1919 йил март ойида собиқ РКП аъзоси бўлган.

Шунингдек, миллати латиш бўлган Герман Иван Эрнестович 1884 йили туғилган бўлиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. 1898 йили Литвада туғилиб, Туркистон ўлкасида яшаган, мутахассислиги ўқитувчи бўлган Тарулис Теодор Тердорович Тошкентда маҳаллий бошқарув ташкилотларида ишлаган [10]. Бу каби маълумотларни яна давом эттириш мумкин. Энг муҳими, бу халқлар вакиллари қисқа вақт ичида маҳаллий аҳоли билан келишиб, ўлка ҳаётига кўникиб кетганлар.

Ўлкада болтиқбўйлик ҳарбий хизматчилар кўпчилик бўлган. Бунга сабаб Россия империяси Ўрта Осиёга, асосан, империянинг Самарадаги ҳарбий қисмларини жўнатган, Самарага эса Болтиқбўйи ҳудудида жойлашган губерниялардаги ҳарбий қисмлар олиб келинган.

1920 йил Туркистон АССР ишчи – деҳқон инспекцияси штат жадвалида доимий ходимлар сони 812 нафар бўлиб, улар таркибида 2 нафар латиш бўлгани маълум [11].

1921 йилда Умумтуркистон советлар съездида Туркистон ҳудудидан келган делегатлар 121 нафар бўлиб, шундан 8 нафари латиш миллатига мансуб бўлган [12]. Тошкент милиция тизимида ҳам латиш ва литваликлар фаолият олиб борган бўлиб [13], 1924 йил охирида Тошкентдаги 865 нафар милиционернинг 3 нафари латиш миллатига мансуб бўлган [14].

Шунингдек, ўлка иқтисодиётида асосий ўрин тутадиган ташкилотлардан бири Туркистон АССР савдо-сотик палатаси тизимида литваликлар меҳнат қилганлар [15], латишлар эса Тошкент товар биржасида ишлаганлар. Улар орасидашу миллатга мансуб бўлган Миляйс Арнольд Фрицевичэнг фаол ходим бўлган [16].

Умуман олганда, Россия империясининг бу даврда ўлкага болтиқбўйликларни кўчириб келтирилишини икки босқичга бўлиш мумкин: 1865 – 1885 йилларни ўз ичига олган биринчи босқич, Ўрта Осиёда мавжуд давлатларга қилинган ҳарбий хуружлар, тортиб олинган ҳудудларда мустамлака ҳокимияти тизимининг ўрнатилиши, маъмурий қурилиш сиёсати ҳамда руслаштириш ниятларининг кучайиши билан характерланади.

1886 – 1917 йилларни ўз ичига олган иккинчи босқич учун бир томондан, ҳарбий маъмурий тизимни “модернлаштириш”га уриниш, уни умумроссия тартибларига яқинлаштириш, бошқа томондан Туркистон халқларининг озодликка бўлган интилувларини рад қилиб, қатағонлик сиёсатини олиб боришини назарда тутган.

Бу даврларда ўзбеклар ва латвия, литва, эстониялик халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мустамлакачи ҳукумдорларнинг кўрсатмаси билан амалга оширилган.

Бироқ, бугунги Ўзбекистон ва Болтиқбўйи республикалари ҳудудида яшовчи халқлар

шу даврларда ҳам ўзаро муносабатларини дўстона ҳамда асосан савдо кўринишидаги ҳамкорликни амалга ошириб олиб борганлар. Масалан, Тошкентда 1878 йилнинг 10 июнида ўн кунлик қурилиш ва қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариш кўрғазмаси бўлиб ўтган. Унда болтиқбўйиликлар иштирок этиб, бир қатор муҳим келишувларга эришганлар.

1887 – 1916 йиллар мобайнида Туркистон ўлкасида почта, телеграф тизимини қуришда болтиқбўйилик мутахассислар қатнашгани ҳам маълум [17]. Туркистонда янги техника ва технологиялар ривожланишида уларнинг ўзига хос хизматлари бўлган. Масалан, ўлкада велосипед, мотоцикл, трамвайларишлаб чиқарилишида латвия ва литвалик муҳандислар фаол иштирок этганлар.

Бу ҳақда “Туркестанские ведомости”нинг 1914 йил 77-сонида ёзилганидек, латишларнинг Тошкентда қурган “Свифт” номли велосипеди Рига ва Стокгольмда ўтказилган олимпиадаларда совринли ўринларни олган [18].

Бироқ, тарихий жараёнларнинг 1917 йилларига келиб Болтиқбўйи ҳудудларида сиёсий ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу давлатлар ўз истиқлоли сари йўл тутиб, 1940 йилларгача уни ҳимоя қилиб турди. Чунки, 1917 йили “марказий” шаҳарлардаги инқилоблардан сўнг Россия империяси ўрнига собиқ совет Россияси жойларда ўз мустамлакачилик сиёсатини ўтказа бошлади. Бу даврда миллатлараро ва миграция масаласидаги миллий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлардан бири – асоссиз равишда халқларни ўзларининг ерларидан узок ўлкаларга мажбурий равишда, баъзи ҳолларда объектив сабаблар билан кўчиришдан иборат бўлди. Бу бир неча босқичларда амалга оширилган бўлиб, халқларни кўчириш сиёсатининг иккинчи босқични ташкил этади. У ўзига хос хусусиятига кўра уч даврдан иборат бўлиб, улардан биринчи давр 1918 – 1939 йилларни, иккинчи давр 1941 – 1945 йилларни, учинчи давр 1966 – 1989 йилларни ўз ичига олади.

Бу даврлардаги умумийлик шундан иборатки, совет даврининг миллатлар борасидаги миллий сиёсати миллатларнинг қўшилиб кетиши натижасида “ягона совет халқи” концепцияси асосида иш юритиб келган. Уни ўрганилаётган даврда миллийликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш, этник ўзига хосликларни инкор этиш, уларни “қолоқ” деб билишга асосланган камситиш сиёсати яширин ва ошқора тарзда, турли шаклларда бироқ изчил равишда олиб борилганда янада аниқ кўринади. Бу ҳулосалар истиқлол йилларида тадқиқ қилинган ишларда ўз аксини топган.

Даврлардаги воқеалар таҳлил қилинадиган бўлса, 1918 – 1939 йиллар мобайнида ўлка ва Москвада содир бўлган воқеалар болтиқбўйиликларнинг Россия ҳудудида истиқомат

қилган қисмининг Ўзбекистон ҳудудига мажбурий кўчириб келтирилишига асос бўлди. Бу ҳақида 1921 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Компартияси МК Ижроия бюросининг 50-сонли баённомасида ёзилгани каби Турк МИҚ қошидаги Миллатлар ишлари Комиссарликлари томонидан амалга оширилган. Шунингдек, ўша даврда Туркистонда содир бўлган сиёсий воқеаларда шу ерда яшовчи латвия, литва, эстонияликлар ҳам фаол иштирок этганлар. Жумладан, 1918 йили Тошкентда латиш социал-демократик группаси ташкил топган. У дастлаб 40 кишини бирлаштирган бўлиб, сўнгра Наманган, Андижон, Қўқон группалари ҳам ташкил топган [19]. Шунингдек, 1918 йили Туркистонда Бутунтуркистон Кенгаши съездининг делегатлари жами 128 та бўлиб, унинг таркибида 8 нафар латиш бўлган [20]. Навбатдаги шу каби сиёсий тадбирларда ҳам улар фаол бўлганлар. Бироқ, номаълум сабабга кўра унинг фаолияти тўхтатилган.

1920 йилларда Тошкент ва Сирдарё ҳудудларининг ўзида 745 нафар латиш ва литвалик истиқомат қилган. Самарқанд ва Жиззах ҳудудларида эса 103 нафар латиш яшаган, унинг 62 нафари эркак, 41 нафари аёл бўлгани манбаларда ёзилади. Улардан 7 нафар эркак, 2 нафар аёлиқишлоқ ҳудудида қолган қисми шаҳарда яшаган [21].

Шуларни инобатга олиб, Туркистон миллатлар ишлари халқ комиссарлигидаги кам сонли миллатлар бўлимида 1922 йил латиш секцияси фаолият кўрсатишига такрорий рухсат берилган. Кейинроқ, 1922 йил 14 июлда Турк МИҚ Президиумининг 102-сонли қарорига кўра, латиш секцияси ўз фаолиятини тўла тўхтатади. Бундансобиқ совет Россияси амалдорларининг кам сонли миллатларга нисбатан олиб борган миллий сиёсати бир ёқлама эканлиги, фақат “марказ” манфаатларига хизмат қилувчи тадбирларни амалга оширганини кўриш мумкин.

Ўша вақтлардаги миллий сиёсатда кам сонли миллатларнинг фарзандларига ўз она тилида таълим олиш имконияти тўлиқ яратилмаган бўлиб, хусусан, Туркистон МСРнинг 1918 йил 12 декабрдаги маълумотномасида шундай дейилади:

1. Барча миллатларга болаларини мактабларда она тилида ўқитиш учун, синфда “энг ози” билан 35 кишилиқ гуруҳ бўлса, ўқитиш ҳуқуқи берилсин.

2. Барча миллатларга мансуб ўқувчилар учун мактабларда факультатив давлат тили рус ва турк тиллари ўқитилиши мажбурийлаштирилсин [22].

Шу ҳужжат асосида латвия, литва, эстонияликларнинг болалари рус тилида таълим олишга мажбур бўлди. 1927 йил декабрда яна бир бор кам сонли миллатлар иши йиғилишида мактаблар масаласи муҳокама қилинди. Бироқ у амалий натижасиз яқунланди.

Болтиқбўйиликларнинг ўз она тилларидан фойдаланишдаги бу каби

тушунмовчиликлар қатори, миллий расм-русмлари, маросимларини сақлаш ва ривожлантириш имкони ҳам етарли бўлмади.

Шунингдек, тарихнинг бу босқичида “марказ” томонидан халқларни асоссиз равишда мажбурий кўчириш сиёсати олиб борилди. Кўплаб болтиқбўйиликлар Ўзбекистон ҳудудига кўчириб келтирилди. Ушбу жараёнларни аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари аниқлаштириб беради.

1926 йил якунига кўра ўлканинг жами аҳолиси 4 239 462 киши бўлиб, ундан 1 014 222 киши камсонли аҳоли таркибига кирган, улар орасида болтиқбўйиликлар ҳам бўлган [23].

Болтиқбўйи халқларининг Ўзбекистонга кўчиб келиши тарихида 1941 – 1945 йиллар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу кўчиришнинг иккинчи даврини ўз ичига олади. Сабаби, бу вақтларда Иккинчи Жаҳон урушининг бошланиши ва Болтиқбўйи давлатларида жанговар ҳаракатларнинг олиб борилишида эди. Натижада, фронторти ҳудуд ҳисобланган Ўзбекистонга кўплаб латвия, литва, эстониялик оилалар ва уларнинг фарзандлари ихтиёрий равишда кўчирилди. Кўчириб келтирилганларни бағрикенг ўзбек халқи яхши кутиб олди.

Биргина Тошкентга қисқа вақт ичидамингдан ортиқ ботикбўйиликлар кўчириб келтирилган бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида тўхталсак, 1885 йилда Латвияда туғилган Пелекайс Ян Ворфоломеевич Тошкентга 1941 йил 3 декабрда кўчиб келиб, “Электростанок” заводида иш бошлади [24]. Шу куни олий ҳарбий педагогика институтининг ўқитувчи ва ишчилари таркибида 1893 йил туғилган латиш Картупель Христофор Анслов ҳам Тошкентга кўчиб келди [25]. Тошкент темир йўл бошқармасининг 1941 йилнинг 5 декабрида ёзилган маълумотномасида шундай дейилади: “1920 йил туғилган миллати эстониялик бўлган Ублик Лидия Ивановна Тошкентда истиқомат қилади” [26]. 1941 йил 8 декабрдаги маълумотномада эса Тошкент шаҳридаги 308 – завод курилишида 1888 йил туғилган миллати латиш Шлос-Ларинс Карлис Фридрах пайвандчи бўлиб ишлаган [27]. У билан 1905 йил туғилган миллати латиш Вецис Фриц ҳам бўлиб, улар бирга меҳнат қилган [28]. Тошкент шаҳар “Красная Заря” тикув фабрикаси ишчилари орасида 1899 йил Литванинг Ковна шаҳрида туғилган Вин Абрам Матвеевич ҳам бор эди. Шу корхонада латиш А.В.Гурко, В.И.Юршевичлар ҳам фаолият олиб борганлар. Тошкент шаҳар “Ростсельмаш” заводининг 1941 йил 17 ноябрь буюриғида 1889 йил туғилган миллати латиш бўлган Лермонтова Ольга Ивановна ишчи бўлиб ишлаган. Унинг икки нафар фарзанди бўлиб, турар жойи Тошкент шаҳридаги 154-мактаб биносида бўлган. 1942 йил 14 апрелда Тошкентга 1911 йили Латвияда туғилган миллати латиш Жагот Милер

кўчириб келиниб, шаҳарнинг Туркистон кўчаси 20/7-уйига жойлаштирилган [29]. Шу санада 1897 йил Ригада туғилган Ладись Моника исмли латвиялик Тошкент шаҳар Седельниковский кўчаси (ўша вақтдаги номи – *P.X*), 67-уйга жойлаштирилиб, “Тошкенттекистилмаш”га ишга олинади. У билан бирга 1892 йил Ригада туғилган Рокке Рихард Данил ҳам кўчиб келган [30].

1983 йил ёзида Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “СССР 60 йиллиги” номли колхозда колхозчи, тракторчи Леохард Умидов Лакуни узоқ кидирувдан сўнг топган. Уруш йилларида кўчирилган болалар орасида 11 ёшли эстон фарзанди Леохард ва унинг туғишганлари бор эди. Эстониядан чиққан эшелондаги болаларни душман қўшинлари ўққа тутган, натижада, бир неча бола – Леохард ва унинг укаси Волдемир тирик қолган. Улар Бухоро вилоятида маҳаллий аҳоли уйига жойлашиб, шу ерда муқим яшаб қолганлиги ҳақида маълумот бор [31]. Ўша даврда кўчиб келганларнинг аҳволи ниҳоятда оғир ва аянчли бўлган. Шундай бўлишига қарамасдан, маҳаллий аҳоли уларга яқиндан ёрдам кўрсатиб, уй-жой, озиқ-овқат ва иш билан таъминланишига кўмаклашган.

Кўчирилганларнинг болалари таълим олишлари учун 1943 йилнинг март ойида Тошкент шаҳри Қодирий кўчасида 7-мактаб ўрнида Литвадан келтирилган болалар учун махсус уй ташкил этилган. Шу ерда уларни ўқитиш учун Мария Якштене бошчилигида махсус мактаб очилиб, унда 60 нафардан ортиқ ўқувчи қабул қилинган [32]. Худди шундай мактаб ҳозирги Навоий вилоятидаги 318-мактаб ўрнида ҳам ташкил этилган. Бухорода 5-сонли болалар уйида болтиқбўйилик фарзандларбўлган. Уруш йилларида Тошкент шаҳрининг 248-мактабида латиш тилида дарс ўтиладиган синфлар ташкил этилган. Унинг асосий ўқитувчилари Вильнюс университетининг профессорларидан иборат бўлганиархив ҳужжатларида ёзилган. 1944 йил 4 декабрда Ўзбекистон ССР ХКСнинг “Кўрлар ҳамда қар – сақовларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида”ги қарори асосида мактабларда махсус синфлар ташкил этилган. Улар орасида болтиқбўйиликлар ҳам таълим олганлар [33].

Ўзбек халқи оғир синов йилларида болтиқбўйиликларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиши натижасида Ўзбекистон уларнинг иккинчи Ватанига айланди.

Бу даврнинг яна аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзбеклар ва болтиқбўйиликлар ўртасидаги дўстлик, маънавий ҳамда сиёсий бирлик, унинг кучи ва ҳаётийлиги фронт ёқасидан кўчириб келтирилган, доимий ёки вақтинча боқувчисидан ажралган болаларни шахсий тарбияга олиш ва уларга ўз ота-оналаридек ҳар томонлама ғамхўрлик қилишда яққол кўринди.

Энг аҳамиятлиси, тошкентлик темирчи Шомахмудовлар оиласининг вакиллари орасида латвиялик боланинг борлиги қувонарли ҳол бўлган.

Шунингдек, 1944 йил 14 сентябрда Болтиқбўйидаги Рига, Таллин, Вильнюс шаҳарларини душмандан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзбек ўғлонлари қаҳрамонлик кўрсатганлар. Улардан ўқчи Ў.Абдуллаев, катта сержант Н.Ҳақимов, О.Шакиров ва бошқа кўплаб ҳарбийлар уруш қаҳрамони унвонига сазовар бўлганлар [34]. Литвани озод қилишда қаҳрамон Турғун Аҳмедов, Темур Назмуддинов, Тлеубай Ахтаев жонбозлик кўрсатганлар.

Уруш кўплаб йўқотишлар билан ниҳоясига етиб, мамлакатлар тинч ҳаёт йўлига ўтди. Ўзбекистонга олиб келинган баъзи болтиқбўйиликлар ўз она ватанига қайтар эканлар, ўзбекларга чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Масалан, 1945 йил ёзида Эстония радиосида бир сўз янгради: “Ўзбеклар ниҳоятда мардонавор иш қилдилар, уларнинг номи мангу қолади”.

Сўнгги йилларда ҳам халқларни Ўзбекистон ҳудудига кўчириш давом эттирилди. Унга сабаб қилиб ҳудудларни қайта тиклаш мақсади кўрсатилди.

Бу каби тадбирлар давом эттирилиб, 1961 – 1965 йиллар оралиғида Ўзбекистонга Болтиқбўйи ҳудудидан 8500 киши кўчиб келган, улар асосан ишчи ва хизматчилар эди. Шу йиллар оралиғида эса 10700 минг киши Ўзбекистондан Болтиқбўйига олиб кетилган [35]. Бу ўша пайтларда олиб борилган миллий сиёсатнинг ўзига хос усули эди.

Бу йилларда халқларнинг фаолиятини кўрадиган бўлсак, Ўзбекистонда илм-фан, санъат ва маданият, техника, тиббиётнинг ривожланишида Болтиқбўйи халқларининг алоҳида меҳнати ва ўрни бор эди. Маълумотларда келтирилишича, 1962 йили Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида банд бўлганлардан 27071 нафарга яқини бошқа миллат вакиллари бўлиб, уларнинг таркибида болтиқбўйиликлар ҳам бўлган [36].

Ўтган асрнинг ўрталарида Ўзбекистонда электротехника соҳасининг ривожланиши ва аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш учун радио ва радио приёмникларнинг 23,7 фоизи латишлар томонидан қуриб берилган [37].

Туямўйин сув омбори қурилишида болтиқбўйилик мутахассислар ҳам хизмат қилган. Жумладан, Учқўрғон, Норин ГЭСлар қурилишида эстон валитвалик қурувчилар қатнашганлар [38].

Шунингдек, 1962 йили Тошкентда спорт соҳасида собиқ Иттифоқ мамлакатлари ўртасида велопойга бўлиб ўтди. Унда Марғилон ипакчилик комбинатининг вакили Дангуоле Даниловайте (*литва қизи литва мотоциклида*) қатнашган, у келиб чиқиши

Каунас шахридан бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонни ўзининг ватани деб билиб, Ўзбекистон номидан қатнашди.

Шу йилларда литваликлар Тошкентдан лак– бўёқ, экскаватор заводининг маҳсулотлари ҳамда кабель, Андижондан дизель насосини, Қўқондан трансформатор маҳсулотини ва мамлакатда етиштирилган пахтани харид қилган. Ўзбекистонга радиотовар, телевизор, магнитофон, музлаткич, мебель, тўқув ва тикувчилик ускуналари ҳамда балиқ маҳсулотларини етказиб берган.

Халқларни кўчиришдаги учинчи даврининг бошланиш санаси 1966 йил ҳисобланади. Бу даврда болтиқбўйликларнинг Ўзбекистонга кўчиб келишининг сабаби – Тошкентда табиий офат, яъни zilzilанинг содир бўлиши эди. Маҳаллий аҳолига уруш йилларида кўрсатган беғараз ёрдами ва узок тарихий йиллар давомида шаклланган дўстона алоқалари туфайли, улар ўз ихтиёрлари билан Тошкентга кўчиб келиб шаҳарни қайта тиклашда жонбозлик кўрсатган. Шунингдек, Тошкент шаҳар аҳолисининг Болтиқбўйи шаҳарларига кўчиб бориб, яшашлари учун ҳам кўмак берганлар. Бу борада ўша йилларда Латвия КПСнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган А.Воснинг куйидаги сўзлари диққатга сазовор: “Ўзбеклар жуда бағрикенг ва меҳмондўст, айна вақтда латишлар учун кадрдондирлар. 1966 йил баҳор ва ёзида жуда кўп латиш ишчилари, қурувчилар Тошкентни қайта қуришда беғараз ёрдам кўрсатдилар. “Латвия” ёрдам поезде 1966 йилнинг июнидан 1967 йилнинг сентябригача 280 ўринли болалар уйи, учта аҳоли турар жой мажмуасини қуриб, шаҳарликларга топширдилар. Бу хизматлари учун 23 нафар латвиялик қурувчилар мақтов ёрлиғи ва 143 нафари “Тошкент қурувчиси” кўкрак нишони билан тақдирландилар. Усталар “Юлдуз” тикувчилик фабрикасининг биносини тўлиғича қуриб топширдилар. Шунингдек, ўзбеклар латишлар дўстлашуви янада мустаҳкамланиб, қурувчиларга ўзбеклар томонидан маданий кечалар, иккала халқларни яқинлаштирувчи тадбирлар ташкил этилгани бизларни қувонтирди”. Тошкент қурилишида жонбозлик кўрсатган Роберто Гасисом, юк кўтарувчи Якиса Велунасала қаторида бўёқчи Каролис Шукявичус, дурадгор Альфансос Мисявичус, юк кўтарувчи Витас Мицкус, ҳайдовчи Дмитрий Дизанов ва Альчис Петрубавичус, қурилиш бошлиғи Романтик Юзенас, архитектор Литис Тишкусларнинг хизматлари бикиёс бўлган [39].

1966 йилги Тошкент zilzilаси оқибатларини бартараф этишда литваликлар ҳам дўстлик ва беғараз ёрдамларини аямаганлар. Ўша йиллари Литва МК биринчи котиби А. Снечкуснинг: “Литвалик жуда кўп фарзандларни Иккинчи Жаҳон урушида ўз бағрига олган нон шаҳри ва дўст Тошкентнинг оғир кунларида жуда кўп литваликлар ихтиёрий равишда Тошкентга кетишди. Улар қисқа давр ичидан 10 минг квадрат метрли уй-

жойларни куриб битказдилар”, – деган, сўзлари бунинг исботидир. Улардан курилиш бошлиғи Кудрявцев Федор, бўёқчи Янкунас Лльфредас, бош муҳандис Юргелёнис Ионасларнинг хизматлари катта бўлган. Литваликиш бошқарувчи Р.Гасис, бўёқчи Г.Батур, ғишт терувчи В.Валинович, автокўтарувчи В.Мицкус, битон таъмирловчилар бошлиғи Э.Петрашавичюс, хайдовчи А.Горкуша, ошхона бошлиғи М.Валанчюте ва бошқалар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган курувчи” унвонига сазовор бўлганлар.

1966 йили эстонияликлар ҳам Тошкентдаги курилишда иштирок этиб, қисқа фурсат ичида 5 600 квадрат метр уй-жой ва 280 ўринли болалар боғчасини куриб топширишган. Унда фаоллик кўрсатган курувчилардан бўёқчилар Вильясте Малле ва Бегишев Энвер, том ёпувчи Белецкий Дмитрий, ғишт терувчи Рейер Вольдемар, Иальмиц Михаил ва бошқалар орденлар билан тақдирланганлар. Ўша вақтдаги Латвия Давлат курилиш комитетининг раҳбари Я.Ф.Рубинс оммавий ахборот воситаларининг мухбирларига берган интервьюсида: “...биз тошкентликларга албатта кўмак беришимиз шарт. Май – ноябрь ойларида биз шаҳарда 2 700 кв майдонда уйларни курамиз, бу ишни янада кучайтириб давом эттирамиз. Дастлаб 300 кишилик курувчиларни биз Тошкентга юбордик”, – деган эди [40].

Шуниси аҳамиятлики, бу даврда Ўзбекистон худудига келган кўплаб латвия, литва ва эстонияликлар бу худудда муқим яшаб қолдилар. Улар мамлакатимиз илм-фани, санъати ва техникаси ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Масалан, 1966 йили Тошкент рассомчилик ва санъат институтида вильнюслик машҳур рассом Ирена ва Юозас Липаслар ўқитувчилик қилгани, латвиялик Монфере Эссе-Эзинге Тошкент шаҳридаги тиббиёт соҳасининг малакали вакили бўлгани ҳақидаги маълумотларни ҳужжатлардан билиш мумкин [41].

Уларнинг муқим яшаб қолганлиги 1970 йил аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларида аҳоли таркибидаги улушининг ўсганлигидан ҳам маълум. Масалан, 1970 йил аҳолиси таркибидаги улуши 4785 нафарни ташкил этиб, эркаклар 3810 киши, аёллар 975 кишидан иборат бўлган [42].

Бунинг асосий сабабини Иккинчи Жаҳон уруши ва 1966 йилги Тошкент зилзиласининг оқибатларини бартараф этишда кўплаб болтиқбўйиликлар бу худудларга келиб, муқим яшаб қолганидан кўриш мумкин.

Шунингдек, 1970 – 1989 йиллар давомида ҳам курилиш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кадрларга бўлган эҳтиёж сабабли болтиқбўйиликлар Ўзбекистонга кўчириб келтирилган.

Бу таркибдаги аҳолининг ижтимоий ҳолатини ўрганадиган бўлсак, 1970 йили Чиноз туманида латишлар жуда кўпчиликни ташкил этган. 1979 йил Ўзбекистон фани ва таълимида 604 нафар литвалик, 531 нафар латвиялик, 492 нафар эстониялик бўлган [43]. 1975 йилда биргина Тошкент вилоятида 25 нафар литвалик, 32 нафар латиш, 15 нафар эстон бўлган. 1975 йили Фарғона вилоятига 10 нафар литваликлар, 24 нафар латишлар, 2 нафар эстонлар кўчиб келганлар. 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш материалларида болтиқбўйликлар мамлакат аҳолиси таркибида 3988 нафарни ташкил этиб, шундан 2001 нафари эркек, 1987 нафари аёллардан иборат бўлган [44].

Ўзбекистан ўз истиқлолини қўлга киритгач, бу ҳудудда истиқомат қилаётган болтиқбўйликларнинг ҳаётида янги саҳифа очилди. Бу борада мамлакатда миллатларaro тотувлик масаласида яратилган муносиб шароитдан унумли фойдаланилиб, 1992 йилдан Тошкент Литва жамияти маркази ўз фаолигини йўлга қўйди. Бироқ тадқиқотлардан шуни ҳам билиш лозимки, 1991 йилдан бошлаб кўплаб болтиқбўйликларнинг нафақат Ўзбекистондаги қисми, балки бутун собиқ Иттифок таркибига кирган давлатлардаги вакилларининг тарихий ватани Латвия, Литва, Эстонияга қайтиш жараёни юз берди. Бу, албатта, табиий жараён ҳисобланади.

Шуларни инобатга олган ҳолда статистик маълумотлардан 2013 йилга келиб Ўзбекистонда 1097 нафар литвалик, 517 нафар латвиялик, 312 нафар эстониялик истиқомат қилаётгани маълум бўлди [45].

Юқоридаги маълумотлардан Болтиқбўйи халқларининг Ўзбекистон ҳудудига қарийб бир аср давомида кўчирилган қисми ўз диаспораларини шакллантирди. Жумладан, Ўзбекистондаги латвияликлардан Яков Петерс Туркистон ЦК РКП (б) бюросининг аъзоси, Ян Рудзутак Ўрта Осиё ЦК РКП(б) бошлиғи, Ф.Я. Цируль Тошкент шаҳар милицияси бошлиғи, И.Я. Дос Ўрта Осиё ҳарбий мактаби ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Литваликларнинг Ўзбекистондаги диаспораси XIX асрнинг 60 – йиллари уларнинг ўлкага кўчириб келтирилишидан бошланди. Кўчирилган литваликлар, асосан, Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларига жойлаштирилди. Уларнинг диний эътиқоди бўйича бошлиғи дастлаб Юстин Пранайтис (1861 – 1917), сўнгра Бронислав Рутенис бўлган. 1917 йилнинг ўзида Тошкентда “Вильтис” номли литваликларнинг миллий жамияти тузилган.

XIX аср охирида литваликлар диаспорасининг вакиллари ядро физикаси бўйича профессор Б. Витолмаса, тиббиёт фанлари доктори Г.Ф. Манкуса, архитекторлар А. Жмуйда ва Г. Жмуйда, Я. Кучиса, график ва плакатчи А. Читкаукаса, витражчи И. Липенелар ўлкада фаолият юритиб, унинг ижтимоий ҳаётига муҳим ҳисса қўшганлар.

Тарихнинг ўтган даврида Ўзбекистон ҳудудига эстонлар мажбурий равишда кўчириб

келтирилган бўлсада, ўзбекларнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги туфайли уларга меҳрибонлик кўрсатилган. Хусусан, Ўзбекистондаги эстонлар диаспорасининг шаклланиши XIX асрнинг 60– йилларидан бошланади. Улар, асосан, Тошкент шаҳрига жойлашганлар. Шунингдек, 1905 йилдашаҳардаги Евангелия диний ибодатхонасида 100 кишидан ортиқ эстон рўйхатдан ўтган. Биринчи Жаҳон урушидан сўнг ўлкада 200 нафар эстон доимий яшаганлиги манбаларда ёзилган. XX асрнинг 20 –йилларидан бошлаб ўлкадаги эстонлар асосан Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Кўкон шаҳарларида яшаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, болтиқбўйиликларнинг ҳаёти ва шаклланган диаспораси ҳақида хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Россия империяси томонидан асосиз равишда халқларни тарихий ватанидан кўчириш сиёсати олиб борилди. Россия империясининг халқларни кўчиришдаги дастлабки мақсади ҳарбий-сиёсий жараёнлар бўлса, XX аср бошига келиб ўлкадаги ижтимоий- сиёсий ҳолатлар сабаб бўла борди. Бу даврда кўплаб халқлар каби болтиқбўйиликлар ҳам Ўзбекистон ҳудудига мажбурий кўчириб келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Любавский М. Обзор истории русской колонизации. – М., 1985. – С.12.
2. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 гг.– Спб., 1885. – С.11.
3. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М., 1991. – С.17.
4. Ўз Р МДА. Фонд-17, 2-рўйхат, 11-йиғма жилд. 391-варақ.
5. Ўз МДА. Ф.И-1, 2-рўйхат, 1905-иш. 4-варақ.
6. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенлик. – Тошкент, 2007 – Б.71.
7. Устав Туркестанского Римско-Католического Благотворительного общества. – Ташкент, 1907. – С.7.
8. ЎзР МДА. Фонд-17, 1-рўйхат, 120-йиғма жилд. 2-варақ.
9. ЎзР МДА. Фонд-17, 1-рўйхат, 120-йиғма жилд. 3-варақ
10. Ўз Р МДА. Фонд-17, 2-рўйхат, 101-йиғма жилд. 22-варақ.
11. Ерманов А.А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузим ўрнатилишидаги ўрни (1918 – 1924 йиллар): Тарих. фан. ном....дис. – Тошкент, 2006. – Б.120.
12. Ўз Р МДА. Фонд-17, 1-рўйхат, 168-йиғма жилд. 33-варақ.
13. Ўз Р МДА. Фонд-36, 1-рўйхат, 6898-йиғма жилд. 45-варақ.

14. Ерманов А.А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918 – 1924 йиллар). Тарих. фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006. – Б.120.
15. Ўз Р МДА. Фонд-19, 3-рўйхат, 51-йиғма жилд. 57-варақ.
16. Ўз Р МДА. Фонд-19, 3-рўйхат, 51-йиғма жилд. 58-варақ
17. Ўз Р МДА. 43-фонд.
18. Туркестанские ведомости. 1914 йил, 77-сон.
19. Пален К.К. Переселенческое дело в Туркестане. –Ташкент, 1910. –С.22.
20. Ўз Р МДА. Фонд-17. 1-рўйхат, 168-йиғма жилд. 35-варақ
21. Перепись населения в Самаркандском области. –Ташкент, Издания ЦСУ Туркеспублики, 1924. – С.28–29
22. ЎзР МДА. Фонд-36, 1-рўйхат, 113-йиғма хужжат. 17-варақ.
23. Ўз Р МДА. Фонд-86. 1-рўйхат, 7328-йиғма жилд. 44-варақ.
24. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 82-йиғма жилд. 74-иш, 9-варақ.
25. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 111-йиғма жилд. 42-варақ.
26. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 84-йиғма жилд. 25-варақ.
27. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 87-йиғма жилд. 3-варақ.
28. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 87-йиғма жилд. 25-варақ.
29. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 111-йиғма жилд. 42-варақ.
30. Ўз Р МДА. Фонд-314. 1-рўйхат, 111-йиғма жилд. 11-варақ.
31. Фозилхўжаев Қ. Фарзандларни Ўзбекистон бағрига олди.–Тошкент, 1989. – Б.47.
32. Фозилхўжаев Қ. Фарзандларни Ўзбекистон бағрига олди. – Тошкент, – Б.33 – 37.
33. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974 . – Б.41.
34. Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. – Тошкент, 1987. – Б.60.
35. Березняк Н.Г. Герои Советского Союза – Узбекистанцы. – Ташкент, 1984. – С.70 – 73.
36. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент, 2000. –С.24.
37. Великая сила – дружбы народов. – Ташкент, 1989. – С.282.
38. Великая сила – дружбы народов. – Ташкент, 1973. – С.252.
39. Ўша асар. – С.261.
40. Экономика и жизнь. – Ташкент, 1972 г.– № 8.
41. Комсомол Узбекистана. 5 мая 1972 года.
42. Итоги переписи населения, 1970 года. – М., 1972. – С.129.
43. Муллажонов И. Население Узбекской ССР. –Ташкент, 1989. – С.37.
44. Holbornl., The international Refugee organization. Its Historyand Work; Горнухова А.В. Миграционные процессы в республиках Прибалтики XX века: дис.... канд. ист. наук. –М., 2004. – С.52.
45. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йилги маълумоти асосида шакллантирилди.